ON THE ANCIENT DEVELOPMENT OF POETIC THOUGHT AMONG TURKIC-SPEAKING PEOPLES

Yarmatov Isamidin Turgunovich

Doctor of Philological

Sciences, Professor at Angren University, Uzbekistan.

Аннотация: Мақолада Ўрта Осиё минтақасида қадимдан яшаб келган туркий халқларнинг оғзаки ва ёзма адабий асарларига хос поэтик тафаккур кўринишларининг ўтмишдаги тараққиётига доир тарихий-генетик хусусиятлар хусусида сўз боради. Унда илгари сурилган концепт Л.Морган, Э.Б. Тайлор, М. Салинз, И.И.Иоффе, Э.Гидденс, Л.Н. Гумилев, С.Токарев ва бошқа дунёга машҳур олимларининг қарашларига таянилган ҳолда илгари сурилган.

Калит сўзлар: поэтик тафаккур, мифопоэтика, номадизм, уруғчилик тузуми, Хитой хроникалари, маросим ритмикаси, вербал ижро.

Annotations: This article explores the emergence of poetic thought among Turkic-speaking peoples in ancient times through a scientific and typological lens. The author's theoretical framework is based on the scholarly contributions of world-renowned scholars such as L. Morgan, E.B. Taylor, M. Sahlins, I.I. Ioffe, E. Giddens, L.N. Gumilev, S. Tokarev, and others.

Keywords: poetic thinking, mythopoetics, nomadism, clan structure, Chinese chronicles, ritual rhythm, verbal performan

Аннотация: В данной статье в научно-типологическом аспекте преслеживается суть возникновения поэтического мышления в в древности у тюркоязычных народов. Теоретический концепт автора основывается на научным высказиваниям всемирно известным ученым, как Л.Моргана, Э.Б. Тайлора, М. Салинза, И.И.Иоффе, Э.Гидденса, Л.Н.Гумилева, С.Токарева и др.

Ключевые слова: поэтическое мышление, мифопоэтика, номадизм, родовое устройство, Китайские хроники, обрядовая ритмика, вербальное исполнение.

Тарихий ва археологик манбалардан маълумки, ибтидоий аҳоли вакиллари милоддан аввалги биринчи минг йилликдан бошлаб термачилик ва овчилик билан шуғулландилар. Э.Гидденс ёзган дунёга машҳур «Социология» асарининг 63-саҳифасида биологик эволюция ва мутацион ўзгаришлардан сўнг инсоний мулоқотга киришишда новербал (товуш ва сўзсиз) маданий белгилар – семиотик тизимлар муҳим ўрин эгаллаганлиги қайд этилади. Афтидан, мустъер давридаги манзилгоҳларда яшаган илк одамларнинг ўзаро муносабатларида даставвал семиотика, секин-аста имо-ишора, кейин эса товуш ва сўз иштироки қарор топган. Мана шу даврда никоҳнинг ҳар хил босқичини бошидан кечираётган неандертал одамлар онгида эзгулик ва ёмонлик руҳлари, омад ва бахтсизлик келтирувчи кунлар ва кўринмас кучлар тўғрисидаги тушунчалар, магия, фолбинлик ва архаик фетишизм пайдо бўлган. (1. 308-324).

Сўнгги (юқори) палеолит даврида уруғ ёки жамоанинг табу эълон қилинган муқаддас жойи, ғорлар деворларига чизилган ҳайвон расмлари, маросим таркибидаги рақс, қўшиқчилик ва драматик унсурлар, яъни сўз санъати аломатлари юзага келган (2.60).

Ибтидоий маросим семантикаси бой бўлиб, ўз бағрига диний транс (медитация ёки экстаз) актидан ташқари санъатнинг синкретик (қоришиқ) ва синтетик (алоҳида бўла бошлаган) шаклларини ҳам қамраб олган. Бу жараён бизнингча, қуйидаги шаклланиш босқичларига эга бўлган: меҳнат кинетизм ритм пантомима рақс мусиқа қўшиқ бадиий сўз (шеър, миф, афсона, эртак, қўшиқ, достон ва бошқалар).

Фанда санъатнинг келиб чиқиши тўғрисида «диний», «акс этиш» (Н.Чеботарев), «ўйин» (Г.Спенсер), «бадиий инстинкт» (Ч.Дарвин), «эротик» (М.Нордау), «таклид» (Т.Липпс), шунингдек, турли ўзга олимлар томонидан таклиф этилган «географик», «идеократик», «иллюзион», «лингвистик» ва «мелодик» назариялар мавжуд. (3.212). Г.В.Плехановнинг ёзишича, одатда инсон нарса ва ҳодисаларга даставвал эътиборсиз, кейинчалик эса эстетик нуқтаи назар билан ёндашади. (4.354.) Мана шу аснода пайдо бўладиган эстетик ҳосиланинг даражаларини академик И.И.Иоффе қуйидагича изоҳлаган эди: «Қўл нутқи расмнинг бошланишидир. Ҳаракатнинг қулоққа хуш ёқадиган тасвири бўлган ритм ва товуш чиқазаётган тананинг кўрсаткичи бўлган маромдан (тембрдан) иборат оҳанг натурал хўжаликнинг икки асосий унсури саналади. Қувноқ ва ғамгин ёки рақс жўрлигида куйлаш биологик эмас, ижтимоий характер касб этади. Товуш қўл нутқини сиқиб чиқарган етакчи нутқ воситасидир. Товушли нутқ қўл ифодасини сиқиб чиқариб, ўрнини эгаллагани сингари сўз ҳам жамоа тадбирларида, культларга асосланган маросимларда пантомимик ва имо-ишорали ҳаракатларнинг бир бутун тизимини сиқиб чиқарди ва унинг ўрнини эгаллаб, секин-аста адабиётни вужудга келтирди» (5.35,90).

Чорвадор оиладан ўзга оилага муҳим бир иш кучи - қиз узатилаётган экан, даъвогар оиладан қалин (компенсация) талаб этилган. Масалан, туркий оилаларда «тўққиз қора» деган қалин тури амалда бўлган. «Тўққиз қора» - бўлажак куёв томонидан тўққизта катта жонворни ҳадя этиш дегани. Маълумки, «қора» сўзи туркий тиллар тарихида ранг-тус маъносидан аввал ҳажм тушунчасини англатган. Масалан, «қорамол» дейилганида, қора рангли эмас, қанақа рангда бўлса ҳам қўй ва эчкидан йирик, катта мол тушунилади. Шундай қилиб, «тўққиз қора» деган қалин тури бир жуфт (эркак ва урғочи) от, бир жуфт қорамол, бир жуфт қўй, бир жуфт эчки ва бўхча буюмни эслатган. Ўзбек фольклорида сақланган «бой бойга куда бўлса, йўрға билан, бой қаролга куда бўлса, тўрва билан, қарол қаролга куда бўлса, зўрға билан», - деган мақол ана шу «тўққиз қора» талаблари туфайли келиб чиққан бўлса ажаб эмас. Чунки бой учун қалин тўлаш унчалик муаммо эмас, камбағал йигит учун эса бу удум – бир умрлик азоб. Чорвадор қозоқ оилаларида қизни олиб қочиб кетиб, қалинни кейинчалик тўлаш удуми, эҳтимолки, никоҳнинг мана шу талаблари туфайли келиб чиққан. «Тўққиз қора»нинг муайян қисмини бериб, қолган қисмига қурби етмаган йигитлар баъзан 30-35 ёшга бориб қолган. Қайнота унга ҳар қанча раҳми келмасин, қизининг эл олдида исноднга қолишини, яъни ярим қалин билан узатилишини истамайди. Мана шу муаммони ҳал этиш учун мусулмон уламолари «қаллиқ ўйнаш» учун фатво беришган. «Қаллиқ ўйнаш» - унаштирилган, аммо қалин тўлиқ тўланмаганлиги туфайли ёши ўтиб бораётган келин ва куёвни икки оиланинг розилиги билан шаръий никоҳлаб қўйиш. Қизнинг отаси бу никоҳга розилик беришдан аввал чеккароқ жойга унинг учун ўтов тиккан. Никоҳланган куёв қоронғи тушганида қизнинг

янгаларига совға-салом билан қаллиқ ўйнашга келган. Совға-саломдан кўнгли тўлмаган баъзи янгалар куёвнинг қайтишида қопоғон итларига қувдирганлар ёки қайниларига куёвни урдирганлар. Баъзи оилаларда «тўққиз қора» тўлиқ тўланмагунича икки-учта фарзанд туғилган. Қалин элу-юртнинг олдида тўлиқ тўлангач, катта тўй берилиб, келин фарзандлари ва сепи билан куёвникига узатилган. Сиз X-XI асрларда яратилган биринчи ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси «Алпомиш» достонининг Қалмоқ элида кечган воқеаларини эсланг. Тўққиз йилдан сўнг ўзга элда топишган Алпомиш билан Барчинни Қўнғирот элига қайтгунга қадар никоҳлаб, қаллиқ ўйинни ўтказадилар. Ҳақиқий никоҳ тўйини эса она юртга қайтганларидан сўнг тантанали равишда уюштирадилар.

Қиз учун даъвогарга юқоридаги оғир талабларнинг қўйилишида бир қатор иқтисодий-маиший асослар мавжуд. Шулардан бири келиннинг сепидир. Вояга етган қиз оила аъзоси сифатида йиллар мобайнида тўпланган умумий мулкга ҳиссасини қўшган. Ота-она бу ҳиссани қизнинг янги рўзғорига етгулик сеп сифатида қайтарган. Катта сепли қизга эришишнинг қалин тўловидан бўлак тўсиқлари ҳам мавжуд эди. Қолаверса, қизлар ота-онаси ёки ака-укаларига «менга фалон йигит маъқул» дейишдан ор қилганлар. Шунинг учун ҳам куёвликка даъвогарлар ўртасида мусобақалар ўтказилган. Туркий халқларнинг қизлари қадимда даъвогар куёвлар билан курашга тушганлар, йигитлардан бирининг кўнглига маъқул эканлигини ўзини сал бўш қўйиб бериш орқали ифодалаганлар. Ўзга йигитлар эса қизни курашда зинҳор енга олмаганлар. Яна «Алпомиш» достони сюжетини эсланг. Тўққизта Қалмоқ баҳодири мусофир Барчиннинг ўтовига «биримизга тегасанми, баримизга тегасанми», - дея келиб туриб олишади. Шунда Барчин улардан энг зўри Кўкаманни бир сермаб йиқитиб, кўкрагига тиззасини қўяди. Кези келганида шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган ёшлар учун Алпомиш ва Барчиной спорт нормативларининг жорий этилиши қадимдан мавжуд бўлган анъаналаримизнинг қайта тикланиши бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, Ўрта Осиё минтақасида яшаб келган туркий халқлар поэтик тафаккурнинг ибтидоий такомили жуда кўп тарихий-фалсафий, диний-маросимий, этногенетик, лингвопоэтик, мифопоэтик, фольклористик ва санъатшунослик аспектлари билан чамбарчас боғланган бўлиб, уларни ўзаро узвийликда синчиклаб ўрганиш фанимиз олдида турган долзаб вазифалардан бири саналади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Гидденс Э. Социология. Таржимонлар: Н.Маматов ва Ж.Бегматов. Тошкент, «Шарқ», 2002;
2. Гумилев Л.Н. Древные тюрки. М., 1967;
3. Токарев С. Религия в истории народов мира. М., 1964;
4. Плеханов Г.В. Письма без адреса. - Избранные философские сочинения. T.V. М., 1964;
5. Иоффе И.И. Синтетическая история. искусств. Л., 1933;